

**Миллий кадриятлар асосида мактабгача таълим муассасаларидаги болалар тарбиясини шакллантириш.**

**Формирование дошкольного воспитания детей на основе национальных ценностей.**

**Formation of preschool education of children based on national VALUES**

**Саидов Журъат – Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси.**

**Аннотация**

Мақолада, мактабгача таълим муассасаларидаги ёш болаларга, ватанпарварлик туйғуси, тарбияси, ота-онага, ўз маҳалла, қишлоғига, шаҳрига бўлган чексиз муҳаббатдан, унинг тарихи ва маданиятига бўлган мислсиз ва тенгсиз ҳурмат ва садоқатдан бошланиши ва шу каби фазилатларни шакллантириш ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** мактабгача таълим муассаса, ёш бола, боғча, тарбиячи, ватанга муҳаббат, жонажон ватан, она табиат, умуинсоний фазилатлар, ота-она, ҳурмат, кадрият.

**Аннотация**

В статье рассматривается формирование таких качеств у детей младшего возраста в дошкольном образовании как, чувство патриотизма, воспитания, безусловной любви к родителям, их соседям, деревне, городу, уважению и преданности своей истории и культуре.

**Ключевые слова:** дошкольное образование, маленький ребенок, детский сад, воспитатель, любовь к стране, родина, материнская природа, человеческие качества, родители, уважение, ценность.

**Annotation**

The article considers the formation of such qualities in young children in preschool education as a sense of patriotism, upbringing, unconditional love for parents, their neighbors, the village, the city, respect and devotion to their history and culture.

**Keywords:** preschool education, small child, kindergarten, teacher, love of the country, homeland, maternal nature, human qualities, parents, respect, value

Ўз туғулиб ўсган юртига ҳурмат, ўз ватанига ҳурмат туйғуси ёш боланинг кўз унгида кўраётган нарсадан қойил қолишидан, уни ҳаяжонлантирадиган, ҳайратлантирадиган ва қалбида акс-садо берадиган нарсалардан бошланади. тарбиячиларнинг ва оила вакилларининг асосий вазибалари – ёш боланинг оладиган таасуротларини унга тушунарли қилиб, жонажон ўлка табиати ва ҳайвонот дунёси, ўртоқлик, ўзаро ёрдам ва бошқаларни энг яқин кишилари, оила аъзолари томонидан етқизиб беришдан иборатдир.

Авалло ёш мурғак, ёш боланинг тушунчасига нима кўпроқ мос келади ва нима

уни қизиқтириши, ҳаяжонлантира олади?

Бу у туғилиб ўсган ва яшаётган жойидир. Бизни ўраб турган атроф - олам, она табиат ватанга муҳаббатни тарбиялашнинг кучли омилларидан ҳисобланади. Гўзалликдан завқланиш, табиат дунёсига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, инсоннинг табиатдаги ўзгартирувчилик ролини тушунишигача – буларнинг ҳаммаси жонажон ватанига муҳаббатни шакллантиришнинг манбаларидир. Ёшлиқдаги табиат ҳақида ҳосил қилинган ёрқин таасуротлар инсон хотирасида бир умрга сақланиб қолади, чунки унинг образларида ватан ўз ифодасини топган бўлади. Бола ватанга бўлган муҳаббатини ўзи туғилиб ўсган оиласи, болалар боғчаси ва мактаби, болалар билан ўйнаган ўйинлари ва жойлари билан боғлайди. Ўз юртига меҳр – энг чуқур умуминсоний фазилатлардан биридир. Бундай ҳиссиётларни мактабгача тарбия ёшидаги болаларда тарбиячилар томонидан болаларнинг руҳий тараққиётини ва улар тафаккурининг аниқ ва образлилигини эътиборга олган ҳолда маълум изчиллик билан тарбиялаб борилади. Шунинг учун бу ёшдаги болаларда ватанга муҳаббат ҳиссини уларга яқин ва таниш бўлган аниқ фактлар, ёрқин мисоллар орқали тарбиялаб борилади. Мактабгача таълимда тарбиячилар болаларда ўз оиласига, ота-онасига, уйига, болалар боғчасига ва болаларни ўраб турган теварак-атрофга меҳр-муҳаббатни ва уларга содиқ бўлишни тарбиялаётиб, энг муҳим ижтимоий ҳис бўлган ватанга муҳаббатни тарбиялаб боришади. Боғчаларда кичик ёшдаги болалар теварак-атрофдаги воқеаларни, ҳодисаларни фақат ташқи белгилари орқали англаб оладилар. Болалар, байрамларни ҳамма инсонлар шодиёналик билан кутиб олишларини кўрадилар, бундан жуда завқланадилар, аммо бунинг сабабларини ва натижаларини билмайди ва қизиқмайдилар. Лекин бу ёшдаги болаларни теварак-атрофдаги кишилар меҳнати, уларнинг болаларга кўрсатаётган ғамхурликлари билан катталар таништириб борсалар, аниқ мисоллар орқали тушунтирсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Боғчадаги ўрта ёш гуруҳидаги болалари катталарнинг ижтимоий ҳаёт воқеаларидаги бўлган, хусусан, қишлоқ хўжалигидаги, уйдаги, ишлаб-чиқаришдаги меҳнатларини, уларнинг купчилик манфаатларини кўзлаб ишлаётганлигини, ташаҳар ва қишлоқларни обод қилаётганликларини, маиший ва уй-жой биноларини қураётганликларини тушунадиган бўлиб қоладилар.

Мактабгача таълим ташкилотидаги ўрта ёш гуруҳи боғча болалари кенгрок доирадаги кишилар билан муносабатда бўла бошлайдилар. Улар ота-оналари ва тарбиячилардан ўз шаҳри, яшаб турган жойи тўғрисида кўп нарсани билиб оладилар. Вазифа, кишиларга бўлган муҳаббат ва меҳрибонлик туйғуларини анча англаган ва таъсирчан қилишдан иборатдир. Шу мақсадда тарбиячи суҳбатлардан, эртақлардан, бадиий

адабиётлардан фойдаланади, расмлар кўрсатади, экскурсиялар уюштиради. Болаларнинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиш, унинг ахлоқий тасавурлари билан конкрет хатти-ҳаракати ўртасида қарамақаршилик бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, инсонларга нисбатан чинакам муҳаббатни тарбиялаш учун уларга ёрдам бериш истиагини (дастурхон ёзиб, стол тузаш, идиш-товоқларни ювишга ёрдам бериш ва шунга ўхшашлар) уйғотишга алоҳида эътибор бериш керак.

Боғчадаги катта ёш гуруҳ болаларида эса ён-атрофида ҳар хил миллат вакиллари билан бирга яшаш тушунчаси шаклланиб бўлган бўлади. Кичик ёш гуруҳи боғча болаларида ватанга муҳаббат ҳисси, ўз уйига, боғчасига, тарбиячисига ҳурмат фазилатлари шаклланишни бошлайди. Мактабгача ёшдаги болалар ота-оналари ва педагоглар уларга қандай ғамхурлик қилаётганини кўрадилар ва ҳис этадилар, натижада бола қалбида уларга бўлган муҳаббат янада ортади, уларнинг ғамхурлиги ва ҳимоясига ишонч ҳосил қиладилар. Катта ёш гуруҳ боғча болаларига уйда ёши катталарига, бувиларига ва ота-оналарига ёрдам бериш топширилади. Мактабгача таълим ташкилотида эса бутун гуруҳ болалари билан улар оилада катталарга қандай ёрдам берганликлари тўғрисида суҳбатлар ташкил этилади.

Аёлга, онага ҳурмат ва муҳаббатни тарбиялашда халқаро хотин-қизлар байрамини уюштириш ҳам яхши ёрдам беради. Бу куни болалар ва тарбиячилар шеърлар ўқийдилар, ашулалар ижро этишади, оналар ҳақида ҳикоя қилиб беришади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “ Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги ” Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2008 й, № 1.
3. П.Юсупова “Мактабгача тарбия педагогикаси”. Ўқув қўлланма. Т. – “Ўқитувчи”- 1993й.
4. Хасанова, Г. И. Қ. (2021). Болага йўналтирилган таълимни амалга оширишда тарбиячининг касбий компетентсиясининг ахамияти. *Academic research in educational sciences*, 2(9), 1051-1056.

5. Xasanova, G. (2021). Болага йўналтирилган таълимни амалга оширишда тарбиячининг касбий компетентсиясининг ахамияти. Scienceweb academic papers collection.
6. Xasanova, G. (2021). Maktabgacha yoshdagi bolalarni nutqini grammatik tuzilishini shakllantirish. Maktabgacha taъlim журнали, 4(Preschool education journal).
7. Xasanova, G. (2021). Maktabgacha yoshdagi bolalarga qo'1 mexnati orqali aqliy tarbiya berishning mazmuni. Maktabgacha taъlim журнали, 4(Preschool education journal).
8. Oila muhitida farzand va uning tarbiyasi  
X Rahmonqulova - Архив Научных Публикаций JSPI, 2020  
Похожие статьи
9. Maktabgacha yoshdagi bolalarni kitobxonlikka mehr uyg'otishning o'ziga xos xususiyatlari  
X Rahmonqulova - Архив Научных Публикаций JSPI, 2020  
Похожие статьи Все версии статьи (2)
10. Maktabgacha yoshdagi bolalarni kitobxonlikka mehr uyg'otishning o'ziga xos xususiyatlari  
X Rahmonqulova - Архив Научных Публикаций JSPI, 2020  
Похожие статьи Все версии статьи (2)
11. Xalq og'zaki ijodi asosida o'quvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash: xalq og'zaki ijodi asosida o'quvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash  
M Norquziyeva - Журнал дошкольного образования, 2021  
Цитируется: 5 Все версии статьи (14)
12. Gulnora Kushakova, xalq og'zaki ijodi namunalarida oila masalalarining talqin etilishi , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №45 (science.i-edu.uz, jspi.uz)
13. Gulnora Kushakova, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг болаларни жисмоний тарбиялаш ҳақидаги фикрлари , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №58 (science.i-edu.uz, jspi.uz)
14. Gulnora Kushakova, abu nasr farobiy ijodida oilada farzandlarni ahloqiy tarbiyalashning ahamiyati haqida , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №45 (science.i-edu.uz, jspi.uz)
15. Buronova, S. (2021). Маҳалла, оила ва мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорлигининг ахамияти. Maktabgacha taъlim журнали.

16.Вуропова, S. (2021). Взаимосвязанная работа семьи, махалли и воспитателя доо в воспитании развитого поколения. *Мақтабгача таълим журнали*, 3(Preschool education journal).

17.Вуропова, S. (2021). Партнёрство с семьёй, махаллэй как условие повышения качества дошкольного образования. *Мақтабгача таълим журнали*.